



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**Алкоголь маҳсулотлари учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 декабрдаги 327-сон “Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни жорий этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. Алкоголь маҳсулотлари учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлар қайта кўриб чиқилиб, улар иловага мувофиқ миқдорларда белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 26 ноябрдаги 75-сон ва Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 19 ноябрдаги 2021-49-сон “Алкоголь маҳсулотлари учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида”ги қарори (рўйхат рақами 3339, 2021 йил 1 декабрь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 10/21/3339/1121-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарор 2023 йил 1 июндан кучга киради.

Иқтисодиёт ва молия вазири

Тошкент ш.,
2023 йил 20 май,
14-сон



SH.D.KUDBIEV

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг
2023 йил 20 майдаги
14-сон буйруғига
ИЛОВА

Алкоголь маҳсулотлари* учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлар

Сотилаётган товарнинг номи	Ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг энг кам улгуржи-сотиш нархи	Энг кам чакана нарх
Вино, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида	14 400	16 400
Коньяк, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида	57 400	66 000
Ароқ ва бошқа алкоголь маҳсулотлари, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида	37 000	43 000

*Пиводан ташқари